


ФАРЗАНДИНГИЗ МАКТАБЛАРИ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА

Ота-она қўлланмаси
Бойсе
мактаблари бўйича



Қуйидаги шахслар томонидан ишлаб чиқилган:
Бойсе мактаб округи, федерал дастурлари
Бойсе, Айдахо

*Қуйидаги ташкилотлар томонидан
молиялаштирилган:*
Айдахо Давлат Таълим Бўлими ва
Қочоқларни кўчириш Идораси

МИННАТДОРЧИЛИКЛАР

Фарзандларингиз мактаблари бўйича йўриқнома: Ота-она қўлланмаси бу Айдахо штатининг бир неча ташкилотлари ҳамкорлигининг маҳсулотидир. Ушбу қўлланмани тайёрлаш ва тарқатишга масъул бўлган шахслар қуйидагилар:

Майк Стой

Қочоқлар бўйича собиқ маслаҳатчи
Айдахо штатининг таълим департаменти

Доктор Анн Фаррис

Федерал дастурлари бўйича назоратчи
Бойсе мактаб округи

Молли Джо де Фуентеалба,
таълим ишлари бўйича магистр

Федерал дастурлари бўйича маслаҳатчи
Бойсе мактаб округи

Махсус миннатдорчиликни Эдвин Силвермен ва Илинойс штатининг катталар учун ўқув ресурслари марказига бизга *Инглиз тилини етарли даражада билмайдиган талабаларнинг ота-оналари учун Илинойс мактаблари бўйича йўриқномадан* материалларни мослаштириб олишимизга рухсат берганликлари учун билдирамиз.

Баъзи материаллар шунингдек *Талаба ота-оналар: Тилни чекланган даражада билмайдиган ота-оналар учун мактабга тегишли ўқув дастури*, муаллифи Лаура Беркович ва Катерина Портер, © катталар учун ўқув ресурслари маркази.

УШБУ ҚЎЛЛАНМА ҲАҚИДА

Азиз ота-она ёки васий:

Хуш келибсиз. Ушбу қўлланма сизга АҚШ ва Айдахо штатидаги мактабда ўқув таълими тизими ҳақида жуда керакли маълумотни етказиб беради. Агар сиз ва сизнинг оилангиз бу мамлакатга ёки штатга энди келган бўлсангиз, сизда мактаблар ҳақида саволларингиз тўғилиши мумкин. Ушбу қўлланмадаги маълумот умумий тарзда баён этилган. Фарзандларингиз ўқийдиган округ ҳақида кўпроқ аниқ тафсилотлар учун Х бобига қаранг.

Фарзандларни ўқитишда ота-оналар ва мактаблар ҳамкорлик қиладилар. Иккала томон ҳам болалар ўз мақсадларига эришишларини истайдилар. Ота-оналар ва оилалар ўз фарзандларининг ўқув таълимига аҳамият бериб ўқишларига аралашсалар, улар мактабда яхшироқ ўқийдилар ва эзгу-мақсадларига эришадиган бўлиб ўсадилар. Агар АҚШда мактаб ўқув тизими қандай амалда ишлашини тушунсангиз, сиз фарзандларингиз мақсадларига эришишларига, ҳамда кўпроқ юксалишларига ёрдам беришингиз мумкин.

МУНДАРИЖА

САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР

I. АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИДАГИ МАКТАБЛАРИДА ЎҚУВ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ

1. Менинг шаҳримда мактаблар қандай ташкил этилган? 6
2. АҚШда қандай мактаблар турлари мавжуд 7
3. Юқори синфлар мактабларини битирмайдиган талабалар учун мактаблар мавжудми? 9

II. МАКТАБГА БЕРИШ

1. Мен фарзандларимни қандай мактабга беришим керак? Қандай ҳужжатларни тайёрлашим керак? 10
2. Мактабда ўқишни бошлашдан олдин қандай тиббий формаларни қўлга киритиш ва фарзандим қандай тиббий кўриклардан ўтиши керак 10
3. Агар фарзандларим бу эмлашларни ватанимизда ёки бошқа мамлакатда олган бўлсачи? 11
4. Менинг фарзандим яна қандай бошқа тиббий кўриклардан ўтиши керак? ... 11
5. Тиббий кўрикни қаерда ўтишимиз мумкин? 11

III. МАКТАБ ТАҚВИМИ ВА МАКТАБ КУНИ

1. Фарзандларим бир кунда мактабда неча соат бўладилар? 12
2. Болалар мактабга бормайдиган кунларда бирон-бир байрамлар ёки махсус кунлар нишонланадими? 12

IV. МАКТАБГА БОРИШ

1. Фарзандларим ҳар куни қандай мактабга қатнаб қайтадилар? 14

V. МАКТАБ ҚОНУН-ТАРТИБЛАРИ

1. Агар фарзандим касал бўлиб қолса нима қилишим керак? 15
2. Агар фарзандим мактабда дори-дармон қабул қилиши керак бўлсачи? 15
3. Фарзандимнинг соғлиғи ҳақида саволларим бўлса мактабда кимга кўнғироқ қилишим керак? 16

4. Агар фарзандим мактабда касал бўлиб қолса ёки у билан нохуш ҳодиса рўй берса мактаб маъмурияти мен билан қайси усул билан алоқа қилади?	17
5. Агар фарзандим мактабга кеч қолса ёки мактабга бормайдиган бўлса мен нима қилишим керак?	18
6. Ман фарзандимнинг мактабига ташриф қилишим мумкинми?	19
7. Мактабда бирон нарсага тўлаш керакми?	19
8. Агар мактаб қонун-тартиблари ҳақида саволим бўлса мактабда уларни кимга беришим мумкин?	20

VI. МАКТАБДА ИШЛАЙДИГАН ХОДИМЛАР

1. Мактаб округи идораларида ва мактабларда ишлайдиган ходимлар кимлар?	21
2. Мактаб округи идораларида ва мактабларда ишлайдиган ходимлар кимлар?	23

VII. ЎҚУВ ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИ

1. Агар фарзандларим Инглиз тилида яхши сўзлашмаса мактаблар уларга қандай ёрдам қўлини чўзади?	24
2. Бошланғич мактабда фарзандларим қайси фанларни ўрганадилар?	24
3. Ўрта босқич мактаблар ёки нотўлиқ ўрта мактабларда фарзандларим қайси фанларни ўрганадилар?	24
4. Юқори синфлар мактабларида фарзандларим қайси фанларни ўрганадилар?	25
5. Агар фарзандларим таълим олишда қийналсалар ёки ногиронликка асосланган махсус эҳтиёжлари бўлса, буларни енгиллаштиришда мактаб қандай ёрдам беради?	26
6. Агар фарзандим махсус талант ёки қобилиятлар эгаси бўлса, у ва унга ўхшаш талабаларга махсус дастурлар мавжудми?	26

VIII. ЎЗ ФАРЗАНДЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ОЛИШЛАРИ ВА ЎРГАНИШЛАРИДА ОТА-ОНАЛАРНИНГ ЎРИНЛАРИ

1. Фарзандимнинг мактаби ҳақида қандай маълумот олишим мумкин? Менинг фарзандим яхши ўқийдими?	27
------------------------------------------------------------------------------------------------------	----

2. Фарзандларимнинг мактабдаги фанларни ўзлаштиришлари ҳақида қандай билиб олишим мумкин?	28
3. Мактаблар борасида қарор қабул қилишга қандай ёрдам беришим мумкин?	29
4. Фарзандларимнинг мактабида қандай махсус фаолиятларда қатнаша оламан?	30
5. Фарзандларимнинг мактабларига қайси йўллар билан кўмаклашим мумкин?	31
6. Фарзандларимнинг ўқишларида ёрдам беришим учун уйда қандай ишларни амалга оширишим керак?	32
7. Юқори синфлар мактабини битиргандан сўнг фарзандларимга ҳаётларини тўғри режалаштиришда қандай ёрдам беришим мумкин?	37

IX. КАТТАЛАРНИНГ ТАЪЛИМ ОЛИШИ


1. Инглиз тилини қаерда ўрганишим ёки бошқа фанларни қаерда ўзлаштиришим мумкин?	36
----------------------------------------------------------------------------------------	----

X. БОЙСЕ МАКТАБЛАРИ

1. Фарзандимни мактабга қандай киритишим мумкин?	39
2. Менинг фарзандим қандай мактабга боради?	39
3. Нотўлиқ ўрта мактаблари ва юқори синфлар мактаблари талабалари учун Бойсе қандай дастурларни таклиф этади?	39
4. Менинг фарзандим мактабга қандай етиб боради?	40
5. Мен мактабда нималар учун тўлашим керак?	41
6. Менинг фарзандим дарсга кеч қолиши ёки мактабга баъзи кунлар бормаи қолиши мумкинми?	43
7. Дарслар вақтида менинг фарзандим мактабдан қайтиши мумкинми?	43
8. Мактабда нима тақиқланган?	44
9. Мактабга қурол олиб келадиган талабага нисбатан қандай чора кўрилади?	44
10. Бойсе мактаб округи ҳақида қаерда қўшимча маълумотни топиш мумкин?	44
11. Инглиз тилини ўрганиш дастурлари ҳақида мен қаерда маълумот топишим мумкин?	45

I. АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИДАГИ МАКТАБДА ЎҚУВ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Айдахо штатида 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган барча болалар мактабга бориши шарт. Мактаб Август ойининг охирлари ёки Сентябрь ойининг бошларида бошланиб Июнь ойида тугайди. Ёзги таътил тахминан уч ой бўлиб Июнь, Июль ва Август ойларини ўз ичига олади.



Америка Қўшма Штатларида давлат ва шахсий мактаблар мавжуд. Давлат мактабларида ўқиш бепул, лекин шахсий мактабларда ўқиш учун "ўқиш тўлови" деб номланган тўловни амалга ошириш талаб қилинади. Давлат мактабларида ўқиш учун тўланадиган маблағ сизнинг маҳаллий ширкатингизда амалга оширилган мулк солиғи тўловлари билан тўланади. Агар сиз яшаётган уйингизга эгалик қилсангиз, сиз мулкка тўлаган солиқнинг бир қисми давлат мактаби тўловини қоплашга ёрдам беради. Агар сиз ижарада яшаётган бўлсангиз, сиз яшаётган бинонинг эгаси мулк солиғини тўлайди. Бино эгаси сиз тўлайдиган ижара пулнинг бир қисмини ушбу солиқлар учун тўлайди. Бундан ташқари, давлат бошқа маблағлар ёрдамида давлат мактаблари тўловларини амалга оширишга кўмаклашади.

1. Менинг шахримда мактаблар қандай ташкил этилган?

Мактаб округлари ва мактаб кенгаши

АҚШда давлат мактаблари округларга бўлинган. Баъзи мактаб округлари фақат бир шаҳар ёки шаҳарчадан иборат, лекин бошқа округлар бир неча шаҳар ёки шаҳарчаларни ўз ичига олишлари мумкин.

Ҳар бир мактаб округи мактаб кенгашига эга. Мактаб кенгаши аъзолари ўз мактаб округида истиқомат қиладилар. Мактаб кенгаши ушбу округда жойлашган мактабларга тегишли қарорларни қабул қилади. Масалан, мактаб кенгаши ушбу округ янги мактабларни қуришга эҳтиёжи борлиги ёки йўқлиги ҳақидаги қарорни қабул қилади. Шунингдек, мудирни мактаб кенгаши танлайди. Мудир мактаб округининг директори ҳисобланади.



2. АҚШдақандай мактаблар турлари мавжуд?

АҚШда бир неча мактаб турлари мавжуд.



Мактабгача тарбия (3 ёки 4 ёш болалар): Баъзи болалар мактабгача тарбия мактабларига борадилар. Мактабгача тарбия мактабларида болалар бошқа болалар билан ўйнайдилар ва математика фани ҳамда ўқишни кичик ёшларидан бошлаб ўрганадилар. Одатда, бу каби мактабларда болалар бир кунда атиги бир неча соат бўлиб, ҳафтасига 2, 3 ёки 5 кун қатнайдилар. На ҳамма мактабларда мактабгача тарбия таълимлари мавжуд. Баъзи бу каби мактаблар бепул бўлиб, бошқалари ўқиш учун тўлов талаб қилади.

Боғча (5 ёшдаги болалар): Агар болалар 1чи Сентябргача ёки ундан кейин 5 ёшга тўлсалар, уларни боғчага бериш мумкин. Болаларнинг боғчага бориши мажбурий эмас, лекин кўп болалар боғчага қатнайдилар. Болалар боғчага Душанба кунидан Жума кунигача борадилар. Боғчада ўтказиладиган дарсларнинг кўплари ярим кун бўлади ва баъзилари тўлиқ кун давом этади.

1 – 9 синфлар (Бошланғич/ўрта босқич/нотўлиқ ўрта мактаб): Мактабда таҳсил олиш йиллари АҚШда "синфлар" деб аталади. Болалар мактабга Душанбадан Жума кунигача қатнаб, кунига 5,5 – 7 соат дарс ўқийдилар. Ёши кичикроқ бўлган болалар одатда бир синфда дарс ўқиб, бир йил ўқув йили давомида фақат бир ўқитувчидан сабоқ оладилар. Ёши каттароқ бўлган талабалар одатда кунига бдан 8гача турли фанларни ўқийдилар. Улар турли дарсхоналарда ўқишлари ва уларга ҳар бир алоҳида фан учун бошқа ўқитувчи дарс бериши мумкин. 5 ёки бдан 8чи синфгача ўқийдиган талабаларнинг мактаби ўрта босқич мактаби ёки нотўлиқ ўрта мактаб деб номланади.

10 – 12 синфлар (Юқори синфлар мактаби): Болалар одатда юқори синф мактабларига 15 ёшдан бориб, 18 ёшларида битирадилар. Юқори синфлар мактаби талабалари турли хил дарсхоналарда ўқиб, уларга турли фанлардан ўқитувчилар дарс берадилар. Улар битириш учун талаб қилинадиган ҳар бир дарсда баҳолар йиғадилар. Юқори синф мактаблари талабаларни ишга, икки йиллик ўрта-махсус таълим муассасалари ёки университетларга киришга тайёрлайди.

Мактаб ўқув дастурларидан олдин ва кейин: Баъзи мактабларда болаларни мактабгача қараш ва тарбиялаш дастурлари мавжуд. Бу каби мактабларга ота-оналар фарзандларини мактабда дарслар бошланишидан олдин олиб келадилар. Баъзи мактабларда болалар учун дарсдан кейин дастурлар ҳам мавжуд. Бу каби мактабларда болалар дарслардан кейин мусиқа, спорт, уй ишларини бажаришга кўмаклашув дарслари ёки бошқа фаолиятлар билан шуғулланиш учун дастурларга ёзилишлари мумкин. Баъзи мактаблар бу каби дастурларга тўлов талаб қиладилар.

Фарзандингиз мактабга вақтлироқ келиши ёки кечроқ кетишидан олдин, сиз аввал уни махсус дастурларга ёзишингиз ва ёзма равишда рухсат беришингиз керак.

Ёзги мактаб: Бошланғич ва юқори синф мактабларнинг кўплари ёзги мактаб дастурларини таклиф этадилар. Ёзда дарсларнинг баъзилари мактабда қўшимча ёрдамга эҳтиёжи мавжуд бўлган талабалар учун мўлжалланган. Баъзи дарслар эса Инглиз тили ўрганувчилар учун информатика фани ва бошқа фанларни Инглиз тилида ўқиш каби махсус фаолиятлар ёки мавзуларга қаратилган. Бу каби ёзги мактаблар пулли бўлиши мумкин.


Юқори синфлар мактабидан сўнг: Юқори синфлар мактабини битирган талабалар ишга киришлари ёки ҳарбий хизматни ўтишни танлашлари мумкин. Шунингдек, улар ўрта-махсус мактабларда, икки йиллик ўрта-махсус таълим муассасалари, 4 йиллик коллежларда ёки университетларда таҳсил олишни давом этишлари ҳам мумкин.



АҚШдажуда кўп 4 йиллик шахсий ва давлат коллежлари ва университетлари мавжуд. Шахсий ва давлат коллежлари ва университетларида таҳсил олиш нархлари одатда жуда қиммат бўлади. Ўқиш тўловини амалга оширишга ёрдам бериши учун талабалар грант ёки қарз олишга мурожаат қилишлари мумкин. Баъзи талабалар бепул таҳсил олиш учун ҳарбий хизматни ўтадилар.

2 йиллик ўрта-махсус таълим муассасалари давлат мактаблари бўлиб, мулк солиғи ёрдамида ва ҳукумат томонидан молиялаштириладилар. Бу таълим муассасаларида таҳсил олиш шахсий ёки давлат университетларига қараганда анча арзон. Ўрта-махсус таълим муассасасига 2 йил қатнагандан сўнг, талабалар гуманитар фанлар ассоциати даражасини олишлари ёки ўқишни давом этиш учун 4 йиллик университетга ўтишлари мумкин.

Қўшимча эслатмалар



3. Юқори синф мактабларини битирмайдиган талабалар учун мактаблар мавжудми?

Юқори синфлар мактабини битириш учун болалар 1-12 синфларида ўқишлари керак. Юқори синфлар мактабини битириш жуда муҳим. Университетлар ва иш берувчиларнинг кўплари юқори синфлар мактабини битирганлик ҳақида гувоҳнома талаб қиладилар. Лекин талабаларнинг кўплари юқори синфлар мактабини битирмасдан мактабдан кетадилар. Улар мактабни тарк этадилар. Бу каби талабалар учун турли хил дастурлар мавжуд:

Кечки дарслар: Баъзи юқори синфлар мактаблари ўқишни тарк этган талабалар учун кечки дарсларни таклиф этадилар.

Алтернатив юқори синфлар мактаби: Баъзи округларда алтернатив юқори синф мактаблари мавжуд. Булар одатий юқори синф мактабларига қиёсан одатда бошқа турдаги бинода жойлашган кичик мактаблар ҳисобланади.

УмтТ дарслари: Катталарга умумтаълим тайёрлаш (УмтТ) тестларидан ўтишларига ёрдам бериш учун кундузги ва кечки дарслар таклиф этилади. Катталар УмтТ ҳужжатидан юқори синфлар мактабини битирганлик ҳақида гувоҳнома сифатида фойдаланишлари мумкин. Университетлар ва иш берувчиларнинг кўплари УмтТ ҳужжатини қабул қиладилар. Давлат кутубхоналарнинг маҳаллий бўлимлари одатда УмтТ дарслари ҳақида маълумотга эгалар.

Қўшимча эслатмалар



II. МАКТАБГА БЕРИШ

1. Мен фарзандларимни қандай мактабга беришим керак? Қандай ҳужжатларни тайёрлашим керак?

Мактабга бериш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар:

- Агар мавжуд бўлса, боланинг туғилганлик санасини тасдиқловчи ҳужжат (I-94 туғилганлик гувоҳномаси ёки боланинг паспорти)
- Агар мавжуд бўлса, ижтимоий суғурталаш рақами
- Тиббий ҳужжатлар: эмлаш ҳақидаги қайдлар
- Яшаш манзили тасдиқномаси: (коммунал тўловлар, ижарада туриш ҳақидаги шартнома, Айдахо штатининг амалдаги ҳайдовчилик гувоҳномаси ёки яшаш жой ҳақида нотариусда тасдиқланган аффидевид (қасамёд остидаги ариза))
- Агар мавжуд бўлса, олдинги мактаб(лар)дан академик маълумотлар нусхаси. Масалан, ота-оналар мактабда ёзув-чизув протоколини бошқа АҚШ мактаблари ёки ўзларининг она юртларидаги мактаблардан олган бўлишлари мумкин.

Мактабга болани бериш учун талаб қилинадиган ҳужжатларнинг рўйхатини мактабдан сўраб олинг.

2. Мактабда ўқишни бошлашдан олдин қандай тиббий формаларни қўлга киритиш ва фарзандим қандай тиббий кўриклардан ўтиши керак?

Болалар мактабга қабул қилинганларида, улар яқинда эмланган бўлишлари керак. Агар бола вақтида эмланмаган ва ё бу эмлаш янгиланмаган бўлса, мактабда дарслар бошланганида уларни дарсларга қатнашишларига рухсат берилмайди.

Эмлаш: Барча талабалар махсус касалликларга қарши эмланган (вакцинацияланган) бўлишлари керак. Бу ҳақида кўпроқ маълумот олиш учун ҳамширангиз, ҳомий ёки мактаб ҳамширасига мурожаат қилинг.



Тиббий кўрик: Талаба ўрта босқич мактаби ёки юқори синфлар мактабида жисмоний тарбия ёки бирон-бир спорт тури билан шуғулланишидан олдин, у шунингдек тиббий кўриқдан ўтган бўлиши керак. Тиббий формани шифокор тўлдиради. Ушбу тўлдирилган тиббий формани сиз мактабга олиб келишингиз керак.

3. Агар фарзандларим бу эмлашларни она юртимизда ёки бошқа мамлакатда олган бўлсачи?

Агар бола ушбу эмлашларнинг баъзиларини бошқа мамлакатда олган бўлса, болани тиббий кўриқтан ўтказаетган вақтда ота-она шифокорга тиббий ҳужжатларни кўрсатиши керак. Шифокор АҚШда эмлаш қайдини яратади. Агар эмлаш ҳақида ҳужжат мавжуд бўлмаса, бола янгидан эмланиши керак.

4. Менинг фарзандим яна қандай бошқа тиббий кўриқлардан ўтиши керак?

Кўп бошланғич мактабларда болалар кўриш (кўз) ёки эшитиш (қулоқ) қобилияти билан боғлиқ муаммоларга тегишли скрининг кўригидан ўтадилар. Кўзойнак тақадиган болалар кўриш қобилияти скрининг кўригидан ўтмайдилар. Агар скрининг кўриги болада кўриш ёки эшитиш қобилияти билан бирон-бир муаммони аниқласа, мактаб бу ҳақида ота-онага хат юборади. Агар сиз шу каби хатни қабул қилсангиз, фарзандингизни тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказиш учун уни шифокор олдига ёки клиникага олиб боришингиз керак.

5. Тиббий кўриқни қаерда ўтишимиз мумкин?

Болалар шифокорнинг муассасасида ёки бошқа клиникада тиббий кўриқдан ўтишлари ёки эмланишлари мумкин. Ҳар бир мактаб бепул ёки арзон нархда тиббий кўриқдан ўтиш ва эмлаш ҳақидаги маълумотга эга.



Қўшимча эслатмалар

III. МАКТАБ ТАҚВИМИ ВА МАКТАБ КУНИ

1. Фарзандларим бир кунда мактабда неча соат бўладилар?

Кўп мактаблар Август ойининг охирлари ёки Сентябрь ойининг бошларида бошланиб Июн ойининг биринчи ёки иккинчи ҳафтасида тугайди. Мактабда ўқиш куни одатда тахминан 5,5 – 7 соат давом этади. Талабалар одатда мактабда тушлик қиладилар. Баъзи болалар тушликни ўзлари билан олиб келадилар. Талабалар тушликни мактабда харид қилишлари ҳам мумкин.

2. Болалар мактабга бормайдиган кунларда бирон-бир байрамлар ёки махсус кунлар нишонланадими?

Иш куни байрами		Сентябр ойининг 1чи Душанбаси
Миннатдорчилик байрами		Ноябр ойининг 4 ^{чи} Пайшанбаси нишонланади
Рождество байрами		25чи Декабр
Янги йил байрами		1чи Январ
Мартин Лютер Кинг куни байрами		Январ ойининг 3 ^{чи} Душанбаси
Президент куни байрами		Феврал ойининг 3 ^{чи} Душанбаси
Хотира куни байрами		Май ойининг 4 ^{чи} Душанбаси

Бошқа байрамларда ҳам мактаб ишламайди. Мактаблар ўзларининг байрамларини ҳам нишонлайдилар. Институт кунлари байрамларида ўқитувчилар учун махсус йиғилишлар ўтказилади. Баъзи вақтлар хизмат кўрсатиш кунларида мактаб ишламайди ва бошқа вақтларда эса болалар мактабдан вақтли қайтадилар. Болалар мактабдан вақтли қайтган кунлар "вақтли рухсат этиш" деб аталади. Мактаб тақвими – болалар мактабга бормайдиган хизмат кўрсатиш кунлар, байрамлар, таътиллер ёки бошқа уйга вақтли рухсат бериладиган кунларни рўйхатлаб кўрсатади. Агар фарзандингиз мактаб ишлайдиган куни бирон-бир диний байрам сабабли мактабга бормайдиган бўлса, сиз бу ҳақида мактабга кўнғироқ қилиб хабар беришингиз керак.

IV. МАКТАБГА БОРИШ

1. Болалар ҳар куни қандай мактабга қатнаб қайтадилар?

Мактаб яқинида яшайдиган болалар одатда мактабга юриб борадилар. Мактабдан узоқда яшайдиган болалар одатда мактаб автобусида ёки оммавий транспорт воситалари орқали мактабга келиб қайтадилар. Мактаб автобуслари бепул. Агар фарзандингиз мактаб автобусида келиб қайтадиган бўлса, сиз қуйидагиларни билишингиз керак:

- мактаб автобусининг рақамини
- фарзандингиз автобусга чиқадиган жойни
- фарзандингиз автобусга чиқадиган вақтни
- фарзандингиз автобусдан тушадиган жойни
- фарзандингиз автобусдан тушадиган вақтни



Автобус рақами	
Олиб кетиш жойи	
Олиб кетиш вақти	
Автобус рақами	
Тушириб қолдириш жойи	
Тушириб қолдириш вақти	




V. МАКТАБ ҚОНУН-ТАРТИБЛАРИ

1. Агар фарзандим касал бўлиб қолса нима қилишим керак?

Агар болалар касал бўлса, уйда қолиши керак. Баъзи вақтда ота-оналар касал фарзандларини мактабга жўнатадилар, чунки улар ишга боришлари керак ва уйда фарзандлари билан қололмайдилар. Лекин касал бола одатда бошқа болаларнинг ҳам хасталанишига сабаб бўлади. Қуйидаги ҳолатларда кўп мактаблар ота-оналарнинг ўз фарзандларини мактабга жўнатишларини маъқулламайдилар:

- агар боланинг бадан ҳарорати 100° F (37.7° C) ёки баландроқ бўлса
- агар бола кечаси ёки эрталаб мактабга боришдан олдин қайт қилган бўлса
- агар бола кўп йўталаётган бўлса
- агар боланинг баданига тошма тошган ёки яралари бўлса
- агар боланинг боши битлаган бўлса (Ота-она боланинг сочини махсус шампун билан ювиб, бит тухумларини сочдан тозалашлари керак. Бундан сўнг, бола мактабга бориши мумкин.)
- агар боланинг баданига сувчечак тошган бўлса (Сувчечак тошиши бошлангандан сўнг бола 7 кун давомида уйда қолиши керак.)
- агар боланинг томоғи ўткир фарингит билан хасталанган бўлса (Бола антибиотик дориларини 24 – 48 соат давомида қабул қилиб мактабга қайтиб бориши мумкин.)
- агар бола қизилча касаллиги билан хасталанган бўлса (Бола антибиотик дориларини 24 – 48 соат давомида қабул қилиб мактабга қайтиб бориши мумкин.)
- агар бола конъюнктивит (Кўз жилди, шиллиқ пардасининг яллиғланиши) билан хасталанган бўлса



Мактаб одатда ота-онага агар уларнинг фарзандлари синфида бирон-бир талаба сувчечак, ўткир фарингит ёки қизилча каби юқумли касаллик билан хасталанган ёки сочлари битлаган бўлса, бу ҳақида огоҳлантирувчи хат юборади. Бу хат сизни огоҳлантириб чоралар кўришга чорлайди ва шундай қилиб сиз ўз фарзандингизга бу касалликлар юқиб қолишидан хабардор бўласиз.

2. Агар фарзандим мактабда дори-дармон қабул қилиши керак бўлсачи?

Агар бу жуда ҳам зарур бўлмаса, ота-оналар фарзанларини дори-дармон билан мактабга жўнатмасликлари керак. Болаларнинг ўзлари мактабда дори-дармон қабул қилишларига рухсат берилмайди. Агар бола мактабда дори-дармон қабул қилиши керак бўлса, ушбу ҳолатни тушунтириб бериш учун ота-она кичик хат ёзиб мактаб котибига етказиб беришлари керак. Бола дори-дармонни мактаб




4. Агар фарзандим мактабда касал бўлиб қолса ёки у билан нохуш ҳодиса рўй берса мактаб маъмурияти мен билан қайси усул билан алоқа қилади?


Агар фарзандингиз мактабда касал бўлиб қолса ёки у билан нохуш ҳодиса содир бўлса, мактаб маъмурияти сизга ёки фавқулодда вазиятлар картасида қайд этилган шахсга қўнғироқ қилади.

Фавқулодда вазиятлар картаси маълумоти: Фарзандларингизни мактабга берганингизда мактаб сизга бу картани беради. Фавқулодда вазиятлар картасида фарзандингиз мактабда касал бўлиб қолса ёки у билан нохуш ҳодиса рўй берса мактаб маъмурияти қўнғироқ қилиб у шахсга бу ҳақида хабар берадиган шахснинг исм-шарифини ёзинг. Ҳар бир фарзанд учун фавқулодда вазиятлар картасини тўлдириб мактабга қайтариб бериш жуда муҳим.

Қуйидагиларни картага киритиш муҳим:

- кун давомида сиз билан алоқага чиқиш мумкин бўлган телефон рақами
- Инглиз тилини тушунадиган қариндошингиз ёки яқин дўстингизнинг исм-шарифи ва телефон рақами
- фарзандингиз шифокори ёки у борадиган клиниканинг номи ва телефон рақами
- агар фарзандингизда ҳар қандай ногиронликка асосланган махсус эҳтиёжлари бўлса

Сизнинг кундузги телефон рақамингиз	
Дўстингиз исм-шарифи ва телефон рақами	
Шифокор/клиниканинг номи ва телефон рақами	
Фарзандимнинг махсус эҳтиёжлари:	



Агар бу маълумот ўзгариб қолса, дарҳол мактаб билан боғланинг ва янги фавқулодда вазиятлар картасини тўлдилинг.

Кўчиш: Агарда сиз бошқа квартира ёки уйга кўчсангиз, мактаб билан боғланинг ва янги жойингиз манзили ва телефон рақамини беринг. Шунингдек, сиз янги фавқулодда вазият картасини тўлдиришингиз керак бўлади.

5. Агар фарзандим мактабга кеч қолса ёки мактабга бормайдиган бўлса, мен нима қилишим керак?

Мактабга кеч қолиш: Болалар мактабга кеч қолмаслиги керак. Болалар мактабга ўз вақтида келишлари керак. Агар болалар мактабга кеч келса, ўқитувчи уларни кечикиб келган деб белгилайди. Агар фарзандингиз кеч келадиган бўлса, сиз мактабга эрталаб қўнғироқ қилиб бу ҳақида хабар беришингиз керак. Ёки сиз фарзандингиз билан бу кечикиши ҳақида кичик хатни мактабга етказишингиз керак.

Мактабга келмаслик: Агар фарзандингиз мактабга кела олмаса, ҳар куни эрталаб дарслар бошланмасдан мактабга қўнғироқ қилиб бу ҳақида хабар беринг. Баъзи мактабларнинг телефонларида авто жавоб бериш хизмати ўрнатилган. Ота-оналар қўнғироқ қилиб ушбу телефонларга хабар қолдиришлари мумкин.

Мактабга қўнғироқ қилганингизда, сиз қуйидаги маълумотларни беришингиз керак:



- фарзандингизнинг исм-шарифини
- фарзандингиз нечанчи синфда ўқиши ва у ўқитувчисининг исм-шарифини
- фарзандингиз мактабга келмаслиги сабабини
- ўзингизнинг исм-шарифингиз ва телефон рақамингизни

Баъзи вақтларда мактабда дарслар тугамасдан ота-оналар фарзандларини мактабдан олиб кетадилар. Эҳтимол улар кундузги вақтда фарзандларини шифокор олдига ёки тиш шифокорига олиб боришлари керак. Агар сиз фарзандингизни дарслар вақтида мактабдан олиб кетадиган бўлсангиз, сиз ўқитувчига билдиришнома ёзишингиз керак. Эрталаб фарзандингиз бу билдиришномани ўқитувчига бериши керак. Билдиришномада қуйидагилар қайд қилиниши керак:

- сиз фарзандингизни мактабдан олиб кетишингиз сабаби
- сиз фарзандингизни мактабдан соат нечида олиб кетишингиз
- агар у ота-она ёки васий бўлмаса, фарзандингизни олиб кетадиган шахснинг исм-шарифи



Фарзандингизни олиб кетишга мактабга келганингизда мактаб маъмурияти хонасига бориб фарзандингизни сўранг. Фарзандингизни олиб кетишингиз учун мактаб сиздан рухсатномага имзо чекишингизни сўрайди.

Оилавий таътиллар: Ота-оналар мактаб кунлари вақтида ўз фарзандлари билан таътил қилмасликлари керак. Ота-оналар мактаб таътиллари вақтида оилавий таътилга чиқишлари керак. Агар сиз таътилга мактаб кунлари вақтида чиқмоқчи бўлсангиз, таътилга чиқишдан олдин сиз фарзандингиз ўқитувчиси билан бу ҳақида гаплашиб олишингиз керак.

Қўшимча топшириқлар: Мактабга келмаган болалар улар ўтказиб юборган дарс топшириқлари ва уй топшириқларини бажаришлари керак. Агар бола 2 кундан кўпроқ мактабга келмаган бўлса, кўп мактаблар ота-оналарни мактабга қўнғироқ қилиб қўшимча топшириқларни сўраб олишларини сўрайдилар. Сиз ёки фарзандингиз дўсти қўшимча ишларни олиш учун фарзандингиз синфхонасига боришингиз ёки бориши керак.

6. Ман фарзандимнинг мактабига ташриф қилишим мумкинми?

Мактабга ташриф қилиш: Ота-оналарнинг ўз фарзандлари мактабига ташриф қилишлари маъқулланади. Мактабга ташриф қилганингизда сиз меҳмон тамғасини олиш учун мактаб маъмурияти хонасига киришингиз керак. Сиз фарзандларингиз дарсхонасига ташриф қилишингиз мумкин, лекин дарс давомида фарзандингиз ҳақида ўқитувчи билан гаплашишингиз тақиқланади. Агар ота-оналар ўқитувчи билан гаплашмоқчи бўлсалар, олдиндан у билан учрашув ҳақида келишиб олишлари керак.

7. Мактабда бирон нарсага тўлаш керакми?



Мактабнинг баъзи фаолиятларида қатнашиш ёки материаллари пулли:

Китоб учун ҳақ: Баъзи китоблар учун ҳақ талаб қилинади. Оилага тўловни амалга ошириш учун китоб ҳақи жуда катта туюлса, ота-оналар мактаб маъмурияти билан камайтирилган ҳақ ёки бекор қилинган ҳақ ҳақида гаплашишлари мумкин. Фарзандингиз китоблардан эҳтиёткорлик билан фойдаланиши керак. Мактабда ўқув йили тугаши билан фарзандингиз барча китобларни мактабга қайтариб бериши керак.

Қўшимча фаолиятлар: Баъзи вақтлар спорт, мусиқа дарслари ёки академик ва ё ижтимоий тўғаракларда қатнашиш каби қўшимча фаолиятлар учун ҳақ талаб қилиниши мумкин. Ушбу фаолиятларнинг кўпларига мактабдан олдин ва кейин қатнашилади.

Сайр қилиш: Баъзи вақтларда талабалар музей, ҳайвонот боғи ва бошқа жойларга сайр қилишга борадилар. Бола сайрга боришидан олдин ота-она рухсатнома формасига розилик бериб имзо чекиши керак. Баъзи вақтлар сайр қилишга бориш учун ёрдам сифатида кичик ҳақ талаб қилиниши мумкин. Баъзи вақтлар ўқитувчига саёҳат вақтида болаларга қарашга ёрдам бериш учун ота-оналарга сайрга бирга бориш учун таклифлар берилади.

Тушлик: Агар болалар ўзлари билан тушликни мактабга олиб келмасалар улар одатда тушликни мактабда сотиб олишлари мумкин. Баъзи шароити оғир бўлган оилаларнинг фарзандлари учун кўп мактабларда бепул ёки арзон нархли тушлик дастурлари мавжуд. Ота-оналар ўз оилаларининг даромади ҳақида махсус формани тўлдиришлари керак ва бу форма уларнинг фарзандлари бепул ёки арзон нархда тушлик қилиш имтиёзига эга бўлиш талабларига жавоб бериш ёки бермаслигини аниқлаб беради.

VI. МАКТАБДА ИШЛАЙДИГАН ХОДИМЛАР

1. Мактаб округи идораларида ва мактабларда ишлайдиган ходимлар кимлар?

Мактаб ходимлари мактабда ишлайдиган шахслардир. Мактаб ходимлари уч гуруҳга бўлинади: бошқарувчилар, ўқитувчилар ва қўллаб-қувватлаш бўлими ходимларига.

Бошқарувчилар талабаларни ўқитмайдилар. Улар мактабни бошқарадилар ва дастурларни тузадилар. Бошқарувчилар турли хил бўлади:

Мудир: Мудир мактаб округининг бошқарувчиси ҳисобланади.


Директор: Округнинг ҳар бир мактаби мактабнинг бошқарувчиси ҳисобланадиган директорга эга.

Директор ёрдамчиси: Баъзида мактабда директор ишларига ёрдам қиладиган директор ёрдамчиси мавжуд.

Марказий идора: Округ маъмурий бошқармаси бутун округ бўйлаб қарорларни қабул қилади.

Ўқитувчилар мактабда талабаларни ўқитадилар. Турли хиш ўқитувчилар тоифалари мавжуд:


- *Синф ўқитувчиси:* Боғчадан бошлаб 5^{чи} ёки 6^{чи} синфгача талабалар одатда мактаб куни давомида синф ўқитувчиси билан қоладилар. Синф ўқитувчиси одатда ўқиш, математика ва фан каби кўпдан-кўп фанларни ўргатади.
- *Синфхона/Гуруҳ ўқитувчиси:* Ўрта босқич, нотўлиқ ўрта ва юқори синфлар мактабларида талабаларда синфхона ўқитувчиси бўлади. Баъзида улар "маслаҳат бериш" деб номланадиган гуруҳ фаолиятларида қатнашадилар. Синфхона дарси вақтида талабалар янгиликларни эшитадилар ва мактаб куни ҳақида маълумот оладилар.
- *Инглиз тилини ўрганиш дастури (ИТЎД) ўқитувчиси:* ИТЎД ўқитувчиси Инглиз тилида ўқиш, ёзиш ва гаплашиши сушт бўлган талабаларга Инглиз тилидан сабоқ беради.
- *Махсус таълим ўқитувчиси:* Махсус таълим ўқитувчиси махсус эҳтиёжлари мавжуд талабаларни ўқитади. Ушбу талабалар "ШТД" (Шахсийлаштирилган таълим дастури) деб номланган сўхбат талабларига жавоб беришлари керак.



- *Қобилиятли талабалар ўқитувчиси:* Қобилиятли талабалар ўқитувчиси имтиҳонларда жуда юқори натижаларни қўлга киритадиган ва/ё камдан-кам учрайдиган талантга эга талабаларга дарс беради.
- *Муסיқа ўқитувчиси:* Муסיқа ўқитувчиси муסיқа мароми, қўшиқ айтиш ва муסיқий асбобларни чалишни ўргатади.
- *Санъат ўқитувчиси:* Санъат ўқитувчиси бўяш, расм чизиш, лойдан нарсаяш ва бошқа санъат намуналаридан дарс беради.
- *Жисмоний тарбия (ЖТ) ўқитувчиси:* Жисмоний тарбия ёки ЖТ ўқитувчиси спорт ёки жисмоний машқлар каби жисмоний тарбиядан дарс беради.
- *Кутубхоначи:* Кутубхоначи талабаларга китоб ўқиб беради, кутубхона ҳақида маълумот ва кутубхонадан китоб олишга ёрдам беради.
- *Нутқ ўқитувчиси:* Нутқ ўқитувчиси сўзларни талаффуз этиш ва гапиришда қийналадиган талабаларга ёрдам беради. Ушбу талабалар "ШТД"нинг (Шахсийлаштирилган таълим дастури) сўхбат талабларига жавоб беришлари керак.

Қўллаб-қувватлаш бўлими ходимлари бошқарувчилар ва ўқитувчиларга уларнинг ишларида ёрдам берадилар. Қўллаб-қувватлаш бўлими ходимларининг баъзилари қаторига қуйидагилар кирадилар:

- *Мактаб котиби:* Котиб телефон қўнғироқларига жавоб беради, хатлар ва билдиришномалар ёзади, мактабга ташриф қилувчиларни кутиб олади ва директорга ёрдам беради.
- *Мактаб ҳамшираси:* Мактабда касал болаларга мактаб ҳамшираси ёки мактаб котиби қарайди.
- *Ижтимоий ишчи/маслаҳатчи:* Ижтимоий ишчи ёки маслаҳатчи талабаларга уйдаги ёки мактабдаги муаммоларини ҳал этишга ёрдам беради. Ижтимоий ишчи бола, ота ёки она ва ё бутун оила билан ишлаши мумкин. Мактабда маслаҳатчи талабаларга мутахассислик синфларини танлашда ёрдам беради ва коллежлар ва ишлар ҳақида маълумот беради.




2. Фарзандим ҳақида мактабда ким билан суҳбатлашим мумкин?


Бошланғич мактабда фарзандингизнинг синф ёки ИТЎД ўқитувчиси билан гаплашинг. У сизга ёрдам бериши мумкин ёки сизга ким ёрдам беришини айтиб беради.



Ўрта босқич, нотўлиқ ўрта ва юқори синфлар мактабларида сиз аввал фарзандингизнинг синфхона ёки ИТЎД ўқитувчиси билан гаплашиб кўришингиз керак.

Мактабда ўқув йилнинг бошланишида, қуйидаги жадвалда фарзандларингиз ҳақида керакли маълумотни беринг:

Боланинг исм-шарифи	Мактаб номи	Мактабнинг телефон рақами	Синфи	Ўқитувчининг исм-шарифи
				
				
				



Қўшимча эслатмалар

VII. ЎҚУВ ТАЪЛИМИ ДАСТУРЛАРИ

1. Агар фарзандларим Инглиз тилида яхши сўзлашмаса, мактаблар уларга қандай ёрдам қўлини чўзади?

Инглиз тилида яхши гаплашмайдиган ёки Инглиз тилида яхши ўқимайдиган талабалар мактабда "Инглиз тили иккинчи тил сифатида" (ИИТ) дарсларига қатнашишлари мумкин. ИИТ дарслари талабаларни Инглиз тилида гаплашиш, ўқиш ва ёзишга ўргатади. Шунингдек, бу дарслар Инглиз тилини тарих ёки табиий фан дарслари каби махсус фанлар орқали ўргатади.

Талабалар мактабга ўқишга кирганларида улар Инглиз тилидан имтиҳон топширадилар. Бу имтиҳонлар мактаб маъмурияти талабаларни мувофиқ синфларга жойлаштира олишига ёрдам беради. ИТЎД дастурида ўқийдиган талабалар ҳар йили Инглиз тилидан имтиҳон топширадилар. Талабалар ИТЎД дарсларига Инглиз тилида билимлари мукаммал даражага етганча қатнайдилар.

2. Бошланғич мактабда фарзандларим қайси фанларни ўрганадилар?

Мактабда болалар округ тайёрлаб берган дарс жадвали бўйича ўқийдилар. Бошланғич мактабларда болалар турли хил фанларни ўзлаштирадилар ва булар:

- ўқиш, тил санъати ва математика (ҳар куни)
- соғлиқни сақлаш, фан, жамиятшунослик фанлари (ҳафтасига 2дан 5 мартагача)
- тасвирий санъат, жисмоний тарбия, кутубхона ҳақида илм, муסיқа (ҳафтасига 1 ёки 2 марта)



3. Ўрта босқич мактаблар ёки нотўлиқ ўрта мактабларда фарзандларим қайси фанларни ўрганадилар?

Ўрта босқич ёки нотўлиқ ўрта мактабларда болаларга турли хил дарслар турли хил синфхоналарда ўтилади. Одатда, уларга кун давомида турли хил фанлардан ўқитувчилар дарс берадилар. Улар кун давомида мактаб биносида қоладилар ва улар учун танаффус бўлмайди. Улар ўзлаштирадиган фанлар рўйхатига қўйидагилар кириши мумкин:

- Ўқиш ва тил санъати
- Жисмоний тарбия ва соғлиқ
- Табиий фанлар
- Жамиятшунослик
- Чет тиллари (масалан, Испан ва Француз тили)
- Муסיқа
- Математика
- Информатика
- Санъат

4. Юқори синфлар мактабларида фарзандларим қайси фанларни ўрганадилар?

Юқори синф талабалари талаб қилинадиган ва танловларига асосан ўқиш дастурларини ўзлаштирадилар. Талаб қилинадиган дарслар – бу мактабни битириш учун барча талабалар ўзлаштиришлари керак бўлган фанлардир. Масалан, Инглиз тили ва математика талаб қилинадиган фанлар ҳисобланади.

Баъзи юқори синфлар дарслари турли хил мураккаблик даражасига эга. Масалан, Инглиз тили бошланғич, оддий, мураккаб ёки аъло баҳога ўқийдиган талабалар учун бўлиши мумкин. Қуйидагилар юқори синфлар мактабларида ўзлаштириладиган фанларнинг баъзилари ҳисобланади:

- Инглиз тили
- Математика (Масалан, алгебра ва геометрия)
- Табиий фанлар (Масалан, биология ёки кимё)
- Оила ва истеъмолчи ҳақидаги фан
- Жисмоний тарбия
- Информатика
- Амалий технология
- Бизнес
- Жамиятшунослик
- Тасвирий санъат
- Чет тиллари
- Инглиз тили иккинчи тил сифатида (ИИТ ёки ИТЎД)



ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Барча мактаб ҳужжатлари учун папка тутинг. Одатда болалар уйларига ота-оналар учун мактаб маълумотини сумкаларида олиб келадилар. Бу папкада мактаб тақвими, автобуснинг юриш жадвали, мактаб таътиллари, байрамлар ва мактаб томонидан юборилган бошқа материаллар ва эълонларни ўзида сақлайди.

Қўшимча эслатмалар

5. Агар фарзандларим таълим олишда қийналса ёки ногиронликка асосланган махсус эҳтиёжлари бўлса, буларни енгиллаштиришда мактаб қандай ёрдам беради?

Махсус таълим дастури – бу аниқ нуқсонга эга талабалар учун мактабдаги дастур ҳисобланади. Ушбу талабалар кўриш, эшитиш, гапириш, юриш ёки дарсда ўзларини бошқаришда иллатларга эга бўлишлари мумкин. Мактаблар бу каби талабаларга мактабда муваффақиятли бўлишлари учун махсус таълим дастурини муҳайё қиладилар. Агар фарзандингизда ногиронликка асосланган махсус ўрганиш эҳтиёжлари бўлса:

- Фарзандингиз мактабида мавжуд хизматлар ҳақида билиб ўрғанинг.
- Фарзандингиз қандай махсус ёрдамларга эҳтиёжманд эканлиги ҳақида мактаб маъмуриятига айтиб беринг.
- Агар сиз Инглиз тилида яхши гаплашмасангиз, учрашувда таржимон хизматидан фойдаланишни сўранг.
- Мактаб ходимлари сизга берган ёки юборган барча муҳим ҳужжатлар ва хатларни сақлаб қўйинг.

Фойдали маслаҳатлар

Сиз Айдахо штати таълим кенгашидан ногирон талабаларнинг ҳуқуқлари ҳақидаги китобчани қўлга киритишингиз мумкин. *Қўнғироқ қилиб МАКТАБИНГИЗГА "Ота-она учун йўриқнома: Ногирон талабаларнинг ўқишдаги ҳуқуқлари"нинг нусхасини сўранг.*

6. Агар фарзандим махсус талант ёки қобилиятлар эгаси бўлса, у ва унга ўхшаш талабаларга махсус дастурлар мавжудми?

Махсус талант ёки қобилият соҳиби бўлган талабаларни "истеъдодли" ёки "талантли" деб аташади. Бу талабалар мураккаб бўлган ва ижодни талаб қиладиган махсус дарсларга қатнашишлари мумкин.

VIII. ЎЗ ФАРЗАНДЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ОЛИШЛАРИ ВА ЎРГАНИШЛАРИДА ОТА-ОНАЛАРНИНГ ЎРИНЛАРИ

Мактаблар ота-оналарни ўз фарзандларининг ўқишларига аралаштиришларини истайдилар. Ота-оналар ўз фарзандларининг мактабдаги ўқишларига турли йўллар билан аралаштиришлари мумкин. Улар:

- фарзандлари ҳақида директор ёки ўқитувчилар билан гаплаштиришлари мумкин
- мактабдаги тадбирларга қатнаштиришлари мумкин
- мактаблар борасида қарор қабул қилишга ёрдам беришлари мумкин
- мактаб ишларида ёрдамлаштиришлари мумкин

1. Фарзандимнинг мактаби ҳақида қандай маълумот олишим мумкин? Менинг фарзандим яхши ўқийдими?

Мактабларда ота-оналарга мактаб дастурлари ва улар фарзандларининг ўқишдаги ўзлаштиришлари ҳақида маълумотни турли хил йўллар билан етказиб беришнинг имкони мавжуд. Кўп мактабларда:

Очиқ эшиклар кунлари мавжуд ва бу ота-оналарга ўз фарзандларининг ўқитувчиси билан учраштиришга, уларнинг синфхоналарини кўришга ва фарзандлари қандай ишларни амалга ошираётганликлари ҳақида билиб олишга имкон беради.

Ота-она – ўқитувчи учрашуви ҳам мавжуд бўлиб ота-она ва ўқитувчи ўртасида бўлиб ўтади. Ўқитувчи ҳар бир боланинг ота-онаси билан улар фарзандларининг ўқишдаги ўзлаштиришлари ва синфдаги одоб-ахлоқи ҳақида суҳбатлашиш учун алоҳида учрашади. Одатда, ўқиш йили давомида ўқитувчилар ота-оналар билан камида бир марта куз вақтида учрашадилар. Лекин, агар бола ўқишда ўзлаштирмаётган бўлса ёки одоб-ахлоқи ёмон бўлса, ўқитувчи ота-онани йил давомида бошқа вақтларда учрашувга чақириши мумкин. Шу жумладан, ота-оналар бошқа истаган вақтда ўқитувчи билан учраштиришни сўрашлари мумкин. Ота-оналар учрашув ҳақида ўқитувчидан сўрашлари ёки унга хат ёзишлари мумкин. Учрашувлар одатда мактабда дарслар бошланишидан олдин ёки кейин ўтказилади.


Ёзма материаллар уйга юборилган бўлишлари ёки уларни уйга фарзандлари олиб келган бўлиши мумкин. Масалан, мактаблар қуйидаги материалларни уйга юборишлари мумкин:

- Синф вазифалари ҳақида мактаб тақвимлари, мактабдаги фаолиятлар, байрамлар ёки мактаб дастурлари
- Синфхоналар ва мактабдаги ҳодисалар ҳақидаги янгилик бюллетенлар
- Ота-оналарнинг фикрлари ва ташвишлари ҳақида сўрайдиган сўроқлар
- Талабалар сайрга чиқишлари учун рухсатнома формалари
- Мактабда йиғилишлар, учрашувлар, ёрлиқ бериш маросимлари, мактаб тугаши маросимлари ва бошқа тадбирлар учун эълонлар
- Баъзи вақтда ота-оналар ёзма материалларга жавоб беришлари керак. Масалан, фарзандингиз сайрга боришидан олдин сиз рухсатнома формасига розилик бериб имзо чекишингиз керак.

Телефон қўнғироқлари ва Интернет мактаблар учун ота-она билан алоқа қилишнинг яна бир усули ҳисобланади. Ўқитувчилар ота-оналар билан гаплашиш учун телефон орқали қўнғироқ қилиш усулидан тез-тез фойдаланиб турадилар. Баъзи вақтларда ота-она – ўқитувчи учрашувини ҳам телефонда ўтказиш мумкин. Баъзи мактабларда уй топшириқлари бўйича телефон орқали маълумот бериш хизмати мавжуд. Ота-оналар махсус телефон рақамига қўнғироқ қилиб ўз фарзандларининг уй топшириқлари ҳақидаги маълумотни тинглашлари мумкин. Баъзи мактабларда мактаб дастурлари, синфдаги фаолиятлар ва ўқитувчига қандай электрон почта хабарини юбориш ҳақидаги мактаб веб-сайти мавжуд.



Ота-оналар саволлари бўлганда истаган вақтлари мактабга қўнғироқ қилиб ўқитувчилар ёки директор билан суҳбатлашишлари мумкин. Агар сиз фарзандингиз мактабига ташриф қилмоқчи бўлсангиз, аввал мактабга қўнғироқ қилиб ташриф вақти ва кунини келишиб олишингиз керак. Сиз мактабга қўнғироқ қилишингиз ёки ўқитувчига хат юборишингиз мумкин.



2. Фарзандларининг мактабдаги фанларни ўзлаштириши ҳақида қандай билиб олишим мумкин?

Ўзлаштириш табели: Ўзлаштириш табели ота-оналарга улар фарзандларининг мактабдаги ўзлаштириши ҳақида тушунча беради. Ўзлаштириш табели болалар ўзлаштирадиган ҳар бир фанни рўйхатлайди. Ҳар бир фан учун баҳолар қўйилган. Ота-оналар ўз фарзандларининг ўзлаштириш табелларини бир йилда 4 марта оладилар. Одатда, болалар ўзлаштириш табелини уйга ўзлари билан олиб келадилар. Баъзи мактаблар ўзлаштириш табелини ота-оналарга ота-она – ўқитувчи учрашувида берадилар. Бошқа мактаблар ўзлаштириш табелини ота-оналарга почта орқали юборадилар. Ота-оналар ўзлаштириш табелини қабул қилганларида, кўпинча улар табелга ёки у келган конвертга имзо қўйишлари керак. Сўнг уларнинг фарзандлари табелни мактабга қайтариб олиб боради.

Баҳолар: Қуйидаги баҳолар ёрдамида кўп мактаблар ота-оналарга уларнинг фарзандлари ҳар бир фанни қандай ўзлаштираётгани ҳақида маълумот беради:



- A** аъло натижа
- B** яхши натижа
- C** қониқарли натижа
- D** қониқарлидан пастроқ натижа (ёмон натижа)
- F** қониқарсиз натижа (фанни топшира олмади)

А, В, С ва D фанни топширганлик ҳақидаги баҳоларини англатади. Бироқ, юқори синфлар талабалари мактабни битириш учун асосий фанлардан ўрта ҳисобда "С" баҳосини олишлари керак. "F" баҳоси бола фанни умуман топшира олмаганини билдиради. Агар талаба фанни топшира олмаса, у фанни янгидан ўқиши керак бўлади ёки ўтиш баҳосини олиш учун қўшимча топшириқларни бажариши керак.

Болаларга қандай баҳо қўйиш ўқитувчиларнинг ҳаволаларига боғлиқ. Баҳо қўйишда ўқитувчилар болаларнинг мактабда бажарган вазифалари, уй топшириқларини қандай бажарганликлари ва имтиҳонлар натижаларига қарайдилар. Шунингдек, ўқитувчилар болаларни дарс вақтида кузатиб тинглайдилар.

Ўзлаштириш ҳақида ҳисоботлар: Баъзи мактаблар оралиқ ёки ўзлаштириш ҳисоботини берадилар. Ота-оналар бу каби ҳисоботларни ўзлаштириш табелини қабул қилиш ораларида қабул қиладилар. Баъзи мактабларда ҳар бир талабанинг ота-онаси ўзлаштириш ҳисоботини оладилар. Бу каби ўзлаштириш ҳисоботлари ота-оналарга уларнинг фарзандлари ҳар бир фанни қандай ўзлаштираётгани ҳақида маълумот беради. Бошқа мактабларда эса, фақат ўзлаштириши ёмон бўлган талабаларнинг ота-оналарига оралиқ ҳисоботи юборилади. Бу ҳисоботлар ота-оналарга уларнинг фарзандлари алоҳида фанларда қандай муаммоларга юз тутаётгани ҳақида маълумот беради.

3. Мактаблар борасида қарор қабул қилишга қандай ёрдам беришим мумкин?

Ота-оналар мактаб бошқарувчиларига мактаб дастурларига тегишли қарорларни қабул қилишда ёрдам берадилар. Мактаблар ота-оналарни турли хил ота-она гуруҳлари учун ўтказиладиган йиғинларда қатнашишга таклиф қиладилар. Ота-оналар ушбу йиғинларда қатнашганларида ўз фарзандлари мактабидаги дастурларга тегишли фикрлар билдиришлари ёки маслаҳатлар беришлари мумкин.

- *Бойсе Инглиз тили ўрганувчиларнинг ота-оналари* ота-оналар гуруҳлари бўлиб, ИИТ каби махсус дастурларни яна ҳам яхшилаш учун мактабларга маслаҳатлар берадилар ва фикрларини билдирадилар.

- *Мактабни ишларини яхшилаш қўмитаси/гуруҳи* мактаб ходимлари, ота-оналар ва маҳалла учун талабаларнинг ўзлаштиришларини яна ҳам юксалтиришга ёрдам беришларига дастурлар ишлаб чиқади.
- *Ота-она – ўқитувчи ташкилотлари* мактабни қўллаб-қувватлаш учун дастурлар тайёрлайди. Масалан, ота-она – ўқитувчи ташкилоти китоблар сотиш учун китоблар бозорини ташкил этишлари мумкин. Улар сотувдан тушган пулни синфхоналарга компьютерлар сотиб олишга сарфлашлари мумкин.

4. Фарзандларимнинг мактабида қандай махсус фаолиятларда қатнаша оламан?

Мактаблар ота-оналарни махсус мактаб фаолиятларига тез-тез таклиф қилиб турадилар. Бу фаолиятлар ўқитувчилар, ота-оналар ва фарзандларига бир-бирлари ҳақида кўпроқ билиб олишларига имкон беради.

Баъзида, ота-оналар фарзандларини қуйидаги фаолиятларда шуғулланаётганларини кўришга келадилар:

- Фарзандларини футбол, воллейбол ёки баскетбол каби спорт ўйинларида қатнашаётганликларини кўриш учун атлетик ўйинларига келадилар.
- Фарзандларини ролда ўйнаши, қўшиқ айтиши ёки мусиқий асбоб чалишини кўриш учун ўйинлар ва мусиқий тақдимотларга келадилар.
- Фарзандларини ёрлиқлар ёки мукофотлар олишларини кўриш учун битириш ёки ёрлиқ топшириш кечалари каби йиғинларга келадилар.
- Бойсе Инглиз тили ўрганувчилар ота-оналари тадбирларига келадилар.

Мактаблар оилаларни янги маълумотларни ўрганиб олишга ҳам таклиф қиладилар. Қуйида бу фаолиятларнинг баъзиларини кўриш мумкин:

- *Ўқув дастури кечалари* ота-оналарга фарзандлари мактаб ўқув йили давомида нималарни ўрганишини кўрсатиш учун. Шу жумладан, ўқитувчи талабалар кейинги синфга ўтиши ёки битириши учун нималарни ўзлаштиришлари кераклигини тушунтириб бериши мумкин.
- *Ота-она учун семинарларда* ота-оналарга фарзандларини тарбиялаб ўстириш учун маслаҳатлар берилади. Ота-оналар фарзандларини қандай соғлом ва муваффақиятли бўлишини ўрганишлари мумкин. Масалан, семинар болаларни қандай мактабда таълим олишни давом этишларига қизиқтириш ва мактабни тарқ этмасликлари ҳақида бўлиши мумкин. Ота-она учун семинарлар ота-оналар фарзандларига фанларни ўзлаштиришда қандай ёрдам беришларини ҳам ўргатиши мумкин. Масалан, ота-оналар семинарга қатнашиб ёш фарзандларига қандай китоб ўқиб беришни ўрганишлари мумкин.

- *Мактаб ташкилотлари* – бу ота-оналар ва янги талабалар учун учрашувлар. Одатда, боғчага фарзандлари борадиган ота-оналар ва ўрта босқич, нотўлиқ ўрта ва юқори синф мактабларининг биринчи босқичида ўқишни бошлаган талабаларнинг ота-оналари учун таништирув лекциялари ўқилади. Ота-оналар фарзандлари қатнайдиган янги мактаб ҳақида маълумот оладилар. Масалан, ота-оналар янги мактабдаги кийим талаблари ҳақида ўрганишлари мумкин. Шунингдек, ота-оналар фарзандларига ўқув курсини танлашга қандай ёрдам беришни ўрганишлари мумкин.

Баъзида, мактаблар маҳалладаги ота-оналар ва оилалар учун халқаро бозорлар, ота-онага миннатдорчилик куни ва мактаб ғурури куни каби ижтимоий тадбирларни ўтказди. Оилалар мактабда вақтихўшлик қилиш ва завқланиш учун келадилар. Масалан, халқаро бозорда улар турли хил мамлакатларнинг таомларини тановул қилиб кўришлари мумкин.

5. Фарзандларининг мактабларига қайси йўллар билан кўмаклашишим мумкин?

Баъзида, мактаб ўз фаолиятларида ёрдамга эҳтиёжи тўғилади. Мактаблар ота-оналарни турли хил фаолиятларда ёрдам беришларини сўрайди.

Синф ва ўрганиш фаолиятларида сиз қуйидагиларда ёрдам беришингиз мумкин:

- синфга ўз касбингиз ёки она юртингиз ҳақида гапириб беришингиз
- синф билан сайрга боришингиз
- синфга китоб ўқиб беришингиз ёки талабаларнинг китоб ўқишини тинглашингиз

Мактаб дастурларида сиз қуйидагиларда ёрдам беришингиз мумкин:

- мактабда рақс ўйинларига ёрдам беришингиз
- ота-она йиғинларига егулик ва совуқ ичимликлар олиб келишингиз
- маблағ йиғиш тадбирини режалаштиришингиз
- таржима қилишга ёрдам беришингиз
- Бойсе Инглиз тили ўрганувчиларнинг ота-оналари фаолиятларига ёрдам беришингиз

Мактаб ишларида қатнашишингиз учун жуда кўп усуллар мавжуд. Мактаблар сизнинг ёрдамингизга, фикрларингизга ва фарзандларингизнинг таълим олиш ишларида қатнашишингизга интизор. Сиз ўқув-таълимнинг жуда муҳим қисми ҳисобланасиз. Мактаб эшиклари сиз учун ҳар доим очиқ.

6. Фарзандларимнинг ўқишларида ёрдам беришим учун уйда қандай ишларни амалга оширишим керак?

Муваффақиятли талабалар мактабга илм олиш учун келадилар ва уларда ўқиш учун кучли иштиёқлари мавжуд. Ота-оналар ўз фарзандлари мактабда яхши ўқишлари учун жуда кўп йўллар билан ёрдам беришлари мумкин. Гарчи сиз Инглиз тилида яхши гаплашмасангиз ҳам сиз фарзандингизга ёрдам беришингиз мумкин. Ёрдам беришингиз учун Инглиз тилини билишингиз шарт эмас. Фарзандингизнинг ўқишида ёрдам бериш учун қуйидаги муҳим ишларни бажарашингиз керак:



Об-ҳавога қараб кийиниш: Фарзандларингиз ташқаридаги об-ҳавога мувофиқ кийинганини текширинг. Масалан, агар ташқари совуқ бўлса, улар пальто, бош кийим ва қўлқоп каби иссиқ кийимларда бўлишлари керак.

Мактаб кийимлари ва кийим талаблари: Баъзи мактабларда талабалар мактабга мактаб кийимида боришлари талаб қилинади. Масалан, мактаб кийими оқ кўйлак ва кўк шим ёки юбка бўлиши мумкин. Бошқа мактаблар талабаларни мактаб кийимида келишларини талаб қилмасалар-да, уларда кийим кийиш талаблари мавжуд. Кийим кийиш талаблари – бу болалар мактабга киядиган кийимларига нисбатан бўлган махсус қонун-қоидалар ҳисобланади. Масалан, баъзи мактабларда ўғил болаларга мактаб ичида бош кийим кийиш тақиқланади ва қизларга бўйин айлана кийимларни кийиш рухсат этилмайди. Агар фарзандларингиз мактаб талабига мувофиқ кийинмаган бўлсалар, мактаб уларни қайтариб уйга юборади.



Ўқув қуроллари: Болалар ўқув қуролларини ўзлари билан дарсга олиб келишлари керак. Мактаб қуролларига: қоғоз, қаламлар, ручкалар ва ўчирғичлар киради. Баъзи вақтларда болалар чизғич, қайчи ва елим каби бошқа предметлардан ҳам фойдаланадилар. Одатда, ўқитувчилар талабаларга керакли ўқув қуроллари ва жиҳозларнинг рўйхатини берадилар. Агар сиз ушбу ўқув қуролларини харид қилишга имкониятингиз бўлмаса, бу ҳақида ўқитувчига хабар беринг.

Дарслар ҳақида гаплашайлик: Ота-оналар ҳар куни фарзандларига: "Мактаб бугун қанақа ўтди?", "Кечки пайт қиладиган уй топшириқларинг борми?" – деган саволларни беришлари керак. Мактаблар ота-онадан улар фарзандлари билан дарсларни муҳокама қилишларини истайдилар. Сиз фарзандларингиздан улар мактабда нимани ўзлаштираётганликлари ҳақида сўрашингиз лозим. Бундан ташқари сиз фарзандларингиздан уларнинг баҳоланган дафтарларини кўришни сўрашингиз керак.

Уй топшириқларига ёрдам бериш: Уй топшириқлари – бу ўқитувчилар талабаларга уйда бажаришлари учун берадиган вазифа ҳисобланади.

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Мактаблар ёрдам бериш имкониятлари рўйхатини мактабнинг қисқа расмий хабарларида, мактаб веб-саҳифасида ёки талаба уйига юборилган махсус эълонларда эълон қиладилар.

Уй топшириқлари турли хил бўлади. Болалар:



- мактабда бошлаган вазифаларни уйда тугатишлари мумкин
- мактабда ўрганган нарсани машқ қиладиган ёки текширадиган вазифаларни бажаришлари мумкин (масалан, ўқиш ёки математика каби)
- китоб ҳақида маъруза ёзиш, илмий тажрибалар қилиш ёки харита чизиш каби махсус лойиҳаларни бажаришлари мумкин
- кичик имтиҳон ёки тест синовларига тайёргарлик кўришлари мумкин

Кечки пайт бажариш учун қанча уй топшириқ беришни ўқитувчилар ҳал қиладилар. Ҳамма ўқитувчилар бир хил миқдорда уй топшириғини бермайдилар. Ёши каттароқ болаларга ёши кичикроқ болаларга қиёсан кўпроқ уй топшириқлари берилади. Фарзандингизнинг уй топшириқларига ёрдам бериш учун қуйидаги ишларни бажарашингиз мумкин:

Уй топшириғи вақти: Болаларда хор, учрашувлар, ўйин вақти, дарсдан кейин бўладиган дастурлар ва уй топшириқлари каби жуда кўп кунлик фаолиятлари бўлади. Сиз фарзандингизга уй топшириқларини бажариши учун махсус вақтни белгилашга ёрдам беришингиз керак. Уй топшириқлари ҳар куни пешин ёки шомда бир вақтда бажарилса яхши натижа беради. Топшириқларнинг бажарилиши кеч тунгги вақтга қолдирилмаслиги эмас. Уй топшириқларини бажариш вақтида сиз телевизор ва видео/компютер ўйинларини ўчириб қўйишингиз керак. Болаларга уй топшириқларини бажариш учун ором жой керак.

Уш топшириғини текшириш: Фарзандингиз уй топшириғини тартибли ва тўлиқ бажарганини текширинг. Фарзандларингиз уй топшириқларини сизга тушунтириб берсинлар. Баъзида болалар уй топшириғини тушунтириб бераётган вақтларида қилган хатоларини кўрадилар.

Уй топшириғи билан боғлиқ муаммолар: Баъзида болалар уй топшириқларини яхши тушунмаганликлари сабабли уларни бажара олмайдилар. Агар ота-оналар уй топшириқлари шартларини тушунсалар фарзандларига ёрдам беришлари керак. Лекин ота-оналар ҳеч қачон фарзандлари учун уй топшириқларини бажаришлари керак эмас.

Ота-оналарнинг кўплари ўз фарзандларига уй топшириқларини бажаришда ёрдам бера олмасликлари мумкин. Баъзи ҳолатларда ота-оналар Инглиз тилини ёки фанни яхши тушунмайдилар. Агар ота-она ўз фарзандларига уй топшириғини бажаришда ёрдам бера олмасалар, улар фарзандларининг ўқитувчисига кичик хат ёзишлари ёки унга қўнғироқ қилишлари мумкин. Ота-оналар фарзандлари уй топшириғини бажара олмаганликлари ҳақида ўқитувчига айтишлари мумкин. Баъзи вақтларда болалар дарслар вақтида, дарсдан кейин ёки танаффус вақтларида уй топшириқларини бажариш учун қўшимча ёрдам олишлари мумкин.

Баъзида болалар уй топшириқларини бажаришни истамайдилар. Улар телевизор кўриш ёки ўйин ўйнашга вақт топадилар-у, уй топшириқларини бажаришга вақтлари бўлмайди. Агар бола уй топшириқларини бажармаётган бўлса, одатда ўқитувчилар боланинг ота-онасига қўнғироқ қиладилар ёки кичик хат ёзиб юборадилар. Ота-она ва ўқитувчилар уй топшириғини бажармайдиган болага нисбатан чора кўришлари керак. Ўқитувчилар бу каби талабаларга одатда паст баҳо қўядилар.

Кутубхона: Баъзи уй топшириқларини бажариш учун болаларга жамоат кутубхонасидан материаллар керак бўлади. Барча кутубхона материаллари кутубхонада фойдаланилиши керак. Агар фарзандингиз материалларни уйга олиб кетмоқчи бўлса ёки кутубхона компьютерларидан фойдаланмоқчи бўлса, сиз кутубхона картасига эга бўлишингиз керак. Сиз кутубхона картасини кутубхонадан қўлга киритишингиз мумкин. Яшаш манзилингизни тасдиқловчи коммунал тўловлар ёки бошқа ҳужжатни кутубхонага олиб боринг.



Биргаликда ўқиш ва гаплашиш: Уйда китоб ўқийдиган болалар мактабда яхши ўқийдилар. Уйда оилавий китоб мутолиа қилиш вақтларини ўтказиш жуда яхши амалиёт ҳисобланади. Китоб мутолиа қилиш вақтларида сиз фарзандларингизга китоб ўқиб беришингиз, ёки фарзандларингиз сизга китоб ўқиб бериши ва ё ҳамма ўзи китоб ўқиши мумкин. Сиз Инглиз тилида ёки ўз она тилингизда китоб ўқишингизни фарзандларингиз кўриши жуда муҳим.

Агар китоб ўқиш сиз учун осон кечмаса, фарзандларингизга ҳикоялар айтиб беринг. Сиз ёшлик пайтингизда оилангиз ҳақида ва фарзандларингиз кичик бўлган вақтлари ҳақида сўзлаб беришингиз мумкин. Фарзандларингиз ҳам ҳикоялар айтиб беришлари маъқулланади. Ҳикояларни сиз Инглиз тилида ва ё она тилингизда айтиб беринг.

Оилавий ўрганиш фаолиятлари ва Оилавий ресурслар марказлари: Кўп мактаблар ва маҳалладаги ташкилотлар кечки вақтларда ва дам олиш кунлари оилавий ўрганиш дастурларини таклиф этадилар. Ота-оналар ва уларнинг фарзандлари бу каби оилавий фаолиятларга биргалашиб қатнайдилар. Сизнинг оилангиз математика, фан, ўқиш ва информатика каби фанларни ўзлаштиради. Яна ҳам кўпроқ илм ўрганиш учун одатда сизга уйга олиб кетишингизга материаллар берилади.

Баъзи мактабларда оилавий ресурслар марказлари мавжуд. Бу марказларда ота-оналар вақтинчалик олиб уйга олиб кетишлари учун материаллар мавжуд. Баъзи материаллар боланинг ривожланиши, болани қандай озиқлантириш, боланинг хавфсизлиги ва соғлиғи, мактаб ва илм ўрганиш фаолиятлари ҳақида тайёрланган. Бу марказларда одатда китоблар, ўйинлар, видео ва аудио материаллар мавжуд.

7. Юқори синфлар мактабини битиргандан сўнг фарзандларимга ҳаётларини тўғри режалаштиришда қандай ёрдам беришим мумкин?

Ота-оналар ўз фарзандларининг келажакларини қуришда ёрдам берадиган мактаб ходимлари ҳақида маълумот олишлари керак. Юқори синфларга кўрсатма берувчи маслаҳатчи ёки касб-хунар маслаҳатчиси оилаларга талабалар юқори синфлар мактабини битиргандан сўнг нима қилишлари



ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Фарзандингиз мактабида оилга ёрдам бериш маркази ёки оила учун илм ўрганиш фаолиятлари мавжудлиги ҳақида билиб олиш учун мактаб билан алоқа қилинг.

ҳақида қарор қабул қилишларида ёрдам берадилар. Фарзандингиз юқори синфлар мактабида таҳсил олишни бошлаганида у билан келажакка қураётган режалари ҳақида гаплашишни бошланг. Юқори синфлар мактабида таҳсил олишнинг сўнгги йилидан олдинроқ қарор қабул қилиш самарали бўлади. Агар болалар коллежда ўқиш ҳақида жуда кеч қарорга келсалар, улар барча керакли фанларни вақтида ўзлаштирамай қўйишлари мумкин. Талабалар коллежга тайёрланиш учун юқори синфлар мактабида тегишли фанларни ўқишлари керак. Шунингдек, талабалар коллежга кириш учун юқори синфлар мактабида тест синовлар топширишлари керак.

IX. КАТТАЛАРНИНГ ТАЪЛИМ ОЛИШИ


1. Инглиз тилини қаерда ўрганишим ёки бошқа фанларни қаерда ўзлаштиришим мумкин?

Катталарнинг илмдан сабоқ олишлари учун жуда кўп имкониятлар мавжуд. Кўп дарслар бепул ўтилади, лекин баъзилари учун ўқишга тўлов талаб қилинади. Дарслар кундузги ва кечки вақтларда бўлади. Катталар учун дарслар одатда маҳалладаги коллежлар, мактаблар, кутубхоналар ва маҳалла макразларида ўтилади.

Катталар учун ўқув дарслари қуйидаги фанлардан ўтилади:

- **Инглиз тили иккинчи тил сифатида (ИИТ)** – Инглиз тилида бошланғич даражада гапиришни ўрганиш учун.
- **УмТТ ва бошланғич даражадан малака** – элементар ўқиш ва математикадан илм олиш ва УмТТ синов тестларига тайёргарлик кўриш учун (юқори синф мактибини битиришга).

Бундан ташқари, Бойсе Давлатколлежи ва университетларда ҳам ўқув дастурлари мавжуд. Ўқув дастурлари катталарни коллежда таҳсил олишга тайёрлайди ва бу муассасада ўқиш учун тўлов талаб қилинади.



Қўшимча маълумот учун Интернетда Айдахо штатида катталар учун бошланғич таълим – Саводхонлик миллий институтининг веб-сайтига қаранг: <http://www.nwlincs.org/idalincs/>

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Сиз қуйидаги жойлардан катталарга учун таълим бериш дарслари ҳақида маълумот топишингиз мумкин:

- фарзандингизнинг мактабидан
- Илм ўрганиш лабораториясидан
- сизга яқин жамият кутубхонасидан
- Бойсе Давлат Университетидан
- диний ва этник ташкилотлардан
- Ғарбий Айдахо коллежидан



БОЙСЕ МАКТАБ ОКРУГИ

**БОЙСЕ МАКТАБЛАРИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ
МУДИР**



Доктор Дон Коберли



Мустақил мактаб округи, Бойсе шаҳри

Ҳурматли ота-оналар ва васийлар:

Ушбу Бойсе мактаб округигахуш келибсиз! Сиз ва талабаларингиз жамиятимизнинг бир қисмига айланганингиз учун биз бениҳоят хурсандмиз. Биз ҳар бир талабани қадрлаймиз ва уларнинг заифлик томонларини кучайтириб, ҳар бир шахснинг куч-қудратини юксалтиришга кучимизни сарфлаймиз. Талабаларингиз коллежда ўқиш ва касб-ҳунар эгаси бўлишга тайёрланар эканлар, Бойсе уларнинг таълим даражаларини кўтариш ва илмларини бойитиш учун жуда кўп дастурларга эга. Ушбу дастурлар юқори малакали ўргатувчилар томонидан олиб борилади.

Сиз ва оилангиз округимизнинг бир қисми бўлганингиз учун биз жуда мамнунмиз. Агар саволларингиз бўлса ёки сизга қўшимча маълумот керак бўлса, илтимос, маҳаллий мактабингизга мурожаат қилинг (агар лозим бўлса, улар оғзаки таржима қилиб берадилар). Сизнинг Бойсе мактаблари ҳаётида қатнашингиз талабаларингиз ҳамда округимизнинг муваффақият қозонишида жуда муҳим ўрин тутади.

Ҳурмат билан,

Доктор Дон Коберли
Мудир

Бугинги таълим эртанги яхши ҳаёт кафолатидир...

1. Фарзандимни мактабга қандай киритишим мумкин?

Агар уйда бошқа тилда гаплашсангиз, сиз аввал Бойсенинг ИТУД қабул қилиш мутахассиси Дианага қўнғироқ қилишингиз керак. 472-3097 телефон рақамига эрталаб 7:00 дан 14:30 гача қўнғироқ қилиб мутахассислар билан гаплашишингиз мумкин. Улар барча ҳужжатларни тайёрлашга ёрдам берадилар ва сизни мактаб, мактаб директори ва ўқитувчилари билан таништирадилар.

2. Менинг фарзандим қандай мактабга боради?

Бошланғич босқичдаги кичик бола (боғчадан – 6^{чи} синфгача) агар тилни етарли даражада билмаса, уни ИТУДга жойлаштирадилар. Одатда синфларга ажратилган талабаларнинг ёши бир-бири билан тенг бўлади.

Иккинчи босқичдаги талаба (7^{чи} – 12^{чи} синфлар) Бора ёки Хилсайд Бридж дастурлари бўйича ўқийдилар **ёки** уларга яқин жойлашган нотўлиқ ўрта синфлар мактабига (7^{чи} – 9^{чи} синфлар) ёки юқори синфлар мактабига (10^{чи} – 12^{чи} синфлар) юбориладилар.

3. Нотўлиқ ўрта мактаблар ва юқори синфлар мактаблари талабалари учун Бойсе қандай дастурларни таклиф этади?

Бридж дастурида (Икки йилдан камроқ АҚШда истиқомат қилаётган талабалар учун) ИТУД ўқитувчилари Инглиз тили, математика, фан ва бошқа фанлардан сабоқ берадилар.

Яқин жойлашган нотўлиқ ўрта/Юқори синфлар мактаби (Ўрта/юқори даражада Инглиз тилида гаплашадиган талабалар) Мутахассис ўқитувчилар кўп фанлардан, шу жумладан, Инглиз тили, математика, фан ва тарихдан дарс берадилар. Мураббийлар дарсдаги топшириқларнинг шартлари ва уй топшириқларни бажаришда ёрдам берадилар.



5. Мен мактабда нималар учун тўлашим керак?

- Талабалар нонушта ёки тушликни мактабда харид қилишлари мумкин. Улар бепул ёки нархи камайтирилган тушлик қилиш имтиёзига эга бўлиш учун тегишли ҳужжатлар топширишлари мумкин. (Нархлар масаласида boiseschools.org саҳифасида қаранг)
- Нотўлиқ ўрта ёки юқори синфлар мактабида жисмоний тарбияга қатнашадиган талабалар қулф билан ёпиладиган шкафча учун 5 АҚШ доллари тўлашлари керак.
- Санъат, фотосуратлар билан ишлаш ва бошқа шу каби фанлар пулли бўлади.



Дастлабки менюлар

Нонушта



Танловлар

Турли хил кашалар
Бир-оз қовурилган нон
Сут
Апелсинли шарбат

Барча бепул нонушталарда шарбат ва сут бирга берилади.

Тушлик



Танловлар

Биз ҳар куни 3 таниқли асосий овқат турларидан танловларни турли хил сутлар билан таклиф этамиз. Болалар асосий овқатлар билан бирга тановул қилишлари учун бизнинг "Соғлом танловлар бар"-имиздан турли хил мевалар, сабазавотлар ва нонларни танлашлари мумкин.

Боғча болалари мактабда дарсларидан олдин ёки кейин нонушта ёки тушлик қилишлари мумкин.

Иккинчи менюлар

Нонушта



Танловлар

Долчинли булочка
Бейгл
Масаллиқли кулча билан
нонушта
Йогурт
Совуқ кашалар ассортиси

Барча нонушталар шарбат ва сизнинг танловингизга кўра кичик ёки катта қадаҳда сут билан бирга берилади.

Баъзи мактаблар ярим эрталабда танаффуз қиладилар. Нонушта тайёр.



Тушлик

Классик

танловлар

Қуйидагилардан
иборат бўлиши
мумкин:
Гамбургер
Масаллиқли кулча
Турли хил пиццалар
Масаллиқли
ўралган иссиқ
жўхорили кулча
Жўжали наггетслар
Иссиқ ва совуқ
сэндвичлар

Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш бари

Қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

Алфредо макаронли таоми
Кантри жўжаси
Тако Локо
Осиё увраси
Ширин ва нордон жўжа

Юқори танловлар


Савдо белгили пицца
Буюртмага биноан тайёрланган Дели сэндвичлари

Овқатланиш картангиздан фойдаланаётганингизда уйда пиширилган пишириққа эга бўлинг!
Барча тушликлар янги мевалар, сабзавотлар ва сут билан узатилади.
Веgetариан ва кам ёғли таомлар ҳам ҳар куни мавжуд. Илтимос сўранг.

6. Менинг фарзандим дарсга кеч қолиши ёки мактабга баъзи кунлар бормай қолиши мумкинми?

Кечиккан (мактабга кечикиб келиш): Дарсга қўнғироқ чалинганда агар талаба тегишли синфхонада бўлмаса, ўқитувчи уни кечиккан қилиб белгилайди. Агар талаба дарсга йигирма (20) дақиқа кеч қолса, у дарсга келмаган деб белгиланади. Талаба бир семестрда бир фаннинг дарсига олти мартадан кўпроқ кечикмаслиги керак. Олтинчи марта (6^{чи}) кечиккан талаба Шанба куни мактабга қатнашиши керак. Агар талаба олти мартадан кўпроқ дарсга келмаса, у дарсларга қайта қатнашиши керак.

Сабабли йўқлик: Талаба бир семестрда тўққиз (9) кунгача дарсга келмаслиги мумкин. Ота ёки она ва ё васий боланинг йўқлиги сабабини изоҳлаш (тушунтириш) учун 48 соат ичида мактаб билан алоқа қилиши керак. Агар йўқлик рухсатли бўлса ва ота ёки она мактаб билан алоқа қилган бўлсалар, талаба йўқлиги вақтида берилган ҳар қандай уй топшириғи ёки бошқа вазифаларни бажариб топшириши рухсат этилади. Агар талаба тўққиз (9) кундан кўпроқ дарсни қолдирган бўлса, улар "илтимоснома" (фандан баҳо олиш учун ёзма сўров) тўлдиришлари керак.



Сабабсиз йўқлик: Талабанинг отаси ёки онаси мактаб маъмуриятига хабар бермагани ҳолда агар талаба мактабга келмаса ёки дарсдан кетиб қолса, у сабабсиз келмаган деб белгиланади. Агар у семестрларнинг бирида тўққиз (9) марта мактабга сабабсиз келмаган бўлса, у баҳодан маҳрум бўлиши мумкин. Сабабсиз келмаган вақтида берилган ҳар қандай топшириқларни бажариб топшириш унга рухсат этилмайди. Бу эса илтимоснома сўровига салбий таъсир кўрсатади. Шунингдек, талаба мактабдан вақтинчалик ёки тўлиқ четлаштирилиши мумкин.

7. Дарслар вақтида менинг фарзандим мактабдан қайтиши мумкинми?

Боланинг отаси ёки онаси мактаб билан алоқа қилиб фарзандлари кундузги вақтда мактабдан қайтиши учун розилик бериши керак. Кундузги вақт мактабдан қайтиш учун талаба мактаб маъмурияти хонасида кетишини қайддан ўтказиши керак. Рухсатсиз ва мактаб маъмурияти хонасига учрашмасдан кетиш – бу ўзбошимчалик хатти-ҳаракат тартиб-интизом аъзолари томонидан кўриб чиқилишига сабаб бўлади. Талабалар тушлик ёки танаффуз пайтларида автоуловларнинг тўхташ жойларида бўлмасликлари керак.

8. Мактабда нима тақиқланган?

Пейджерлар, уяли телефонлар, лазерли ручкалар, зажигалкалар, сув тўппончалари, белдан осилиб турадиган занжирлар тақиқланган.



Бошни ўраб юриш (диний сабаблардан ташқари) мактабда ман этилган.

Наркотик моддалар, спиртли ичимликлар, тамаки (сигаретлар) ҳам қатъиян ман этилган. Талабалар вақтинчалик ёки бутунлай мактабдан четлаштириладилар. Ва талаба полицияга топширилади

Ҳар қандай жиноий тўдага алоқадорлик ёки унинг аъзоси бўлиш тақиқланади. Бошқа диний ёки маданий гуруҳларнинг дилларини оғритадиган ҳар қандай қўзғатувчи белгили кийимларни кийиш ёки бу белгиларни намоиш этиш тақиқланган. Талабалар вақтинчалик ёки бутунлай мактабдан четлаштириладилар.


Ҳақоратомуз ёки таҳқирли сўзлардан фойдаланиш ман этилган. Ёзма ёки оғзаки таҳдидларга ўрин йўқ. Урушиш рухсат этилмайди. Таҳдид қилган талаба мактаб округидан четлаштирилиши мумкин. Ва талабанинг бу хатти-ҳаракати ҳақида полицияга хабар берилиши мумкин.

9. Мактабга қурол олиб келадиган талабага нисбатан қандай чора кўрилади?


Қурол-яроқ (тўппонча, чўнтак пичоғи, газ баллончаси ва бошқа қуроллар) кўтариб юрадиган талабалар мактаб округидан ҳайдаланадилар. Ва талаба полицияга топширилади.

10. Қаерда мен Бойсе мактаб округи ҳақида қўшимча маълумот топишим мумкин?

Сиз мактаб округи ҳақида қўшимча маълумотни бизнинг веб-сайтимизда топишингиз: <http://www.boiseschools.org/> ёки 854-4000 телефон рақамига қўнғироқ қилиб билиб олишингиз мумкин.



11. Инглиз тилини ўрганиш дастурлари ҳақида мен қаерда маълумот олишим мумкин?



ИТЎД ҳақида қўшимча маълумот олиш учун бизнинг веб-сайтимиизга ушбу манзил орқали ташриф буюришингиз мумкин:

<http://www.boiseschools.org/ell/index.html>



Шу жумладан, сиз қуйидаги шахслардан истаганингизга мурожаат қилишингиз мумкин:

Диана Гокоче-Прайс

Қабул қилиш мутахассиси

472-3097

diane.goicoecheaprice@boiseschools.org

Джолен Линколн

Федерал дастурлари бўйича

маслаҳатчи

854-4379

jolene.lincoln@boiseschools.org

Стейси Рот

ИТЎД бўйича маслаҳат берувчи

ўқитувчи

854-4379

stacey.roth@boiseschools.org

Молли Джо де Фуентеалба

Федерал дастурлари бўйича

маслаҳатчи

854-4379

molly.fuentealba@boiseschools.org

Синди Дэли

Федерал дастурлари бўйича маслаҳатчи

472-3593

cindy.daly@boiseschools.org

Доктор Анн Фаррис

Федерал дастурлари бўйича

бошқарувчи

854-4133

ann.farris@boiseschools.org

Қўшимча эслатмалар